



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING
BUYRUG'I**

2022 yil. "12" 04

№29

Toshkent sh.

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати деб аталади)нинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботларни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 2-иловага мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом 3-иловага мувофиқ;

давлат харидларини ўтказиш тўғрисида низом 4-иловага мувофиқ;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома 5-иловага мувофиқ;

ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 6-иловага мувофиқ;

контрагентларни текширишга оид йўриқнома 7-иловага мувофиқ;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ҳамда қўриб чиқиш регламенти 8-иловага мувофиқ;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилганда хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент 9-иловага мувофиқ;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти 10-иловага мувофиқ;

коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёsat 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Н.Абдураҳмонов):

Бир ҳафта муддатда мазкур буйруқ билан тасдиқланган хужжатларнинг мазмун-моҳияти барча ходимлар эътиборига етказилсин.

4. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (М.Сайдова), Ахборот коммуникацияларни ривожлантириш бўлими (Ж.Омонов):

Санитария-эпидемиология хизмати веб-сайтига коррупциянинг олдини олишга доир маълумотлар киритиб борилиши таъминлансан.

5. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (Н.Абдураҳмонов), Ташкилий-назорат ва ахборот-таҳлил бўлими (Н.Тошбоев):

ходимлар ўртасида коррупцияга қарши талабларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсан.

Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдирман.

Бошлиқ

Б. Юсупалиев

